

## Азоби тушганда қандай бўларкин?



08:04 / 12.12.2019 2213

Абдуллоҳ ибн Шавзаб айтади: «Сулаймон ҳаж қилди. Умар ибн Абдулазиз ҳам у билан бирга эди. Иккови Тоифга келишганда чақмоқ чақиб, момақалди роқ гумбурлади. Сулаймон унинг овозидан кўрқиб кетиб, Умар ибн Абдулазизга: «Буни қаранг, Абу Ҳафс, қандай даҳшат-а!» деди. Умар ибн Абдулазиз ибратомуз оҳангда: «Аллоҳнинг раҳмати нозил бўлаётган пайтда шундай даҳшатли момақалди роқ бўлиб, чақмоқлар чақса, азоби тушаётганида қандай бўларкин?» деди.

**«Солиҳлар гулшани» китобидан**